



ҚАРОР

09. уйил "2" ноябр

№ 1121-Қ.

«Кайнама» кишлоқ фуқаролар йиғини, «Кайнама» маҳалласида умумий 0,15 га ер майдонида жойлашган Исобеков Асламбекга тегишли маъмурий ва омборхона биноларининг бир қисмини нотураар жой тоифасидан тураар жой тоифасига утказиш хақида»

«Даштакиболо» кишлоқ фуқаролар йиғини, «Кушмачит» маҳалласида яшовчи фуқаро Исобеков Асламбек туман хокимлигига ариза орқали мурожаат этиб, унга тегишли «Кайнама» кишлоқ фуқаролар йиғини, «Кайнама» маҳалласида умумий 0,15 га ер майдонида жойлашган маъмурий ва омборхона биноларини нотураар жой тоифасидан тураар жой тоифасига утказиб беришни сураган.

Такдим этилган хужжатлар урганилганда : туманнинг хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариал идораси нотариуси М.Х.Кудратов томонидан 2009 йил 28 январ кунида тасдиқланган «ULUGBEK AGRO INVEST» масъулияти чекланган жамиятига карашли «Кайнама» кишлоқ фуқаролар йиғини, «Кайнама» маҳалласида А-литерадаги омборхона, Б-литерадаги маъмурий бино, Б1-литерадаги ишлаб чиқариш цехи, Б2-литерадаги хожатхона ва Б3-литерадаги ГПП бино-иншоотлари умумий 0,51 м.кв. ер майдонида жойлашган биноларидан 100/50,84 хиссасини, яъни А-литерадаги омборхона ва Б-литерадаги маъмурий бинолардан иборат, жами 0,15 га ер майдонида жойлашган қисмини Исобеков Асламбекга сотиш хақидаги шартномаси, «ULUGBEK AGRO INVEST» масъулияти чекланган жамияти директори ҳамда фуқаро Исобеков Асламбек томонларидан 2009 йил 29 январ кунида сотилган бинони топшириш-қабул қилиш хақида тузилган далолатномаси, туман Давлат солиқ инспекциясининг 2009 йил 7 октябрдаги № 03/1-4675 сонли Исобеков Асламбек маъмурий бино ва омборхонаси учун ер ва мол-мулк солиқларидан қарзи йуқлиги хақидаги маълумотномаси, туман Ер тузиш ва қучмас мулк кадастри хизматининг 2009 йил 23 мартда тайёрланган Исобеков Асламбекга тегишли Маъмурий бино ва омборхона биноларининг хужжатлар туплами, туман Ички ишлар булими Ёнгин Хавфсизлиги булинмасининг 2009 йил 6 октябрдаги № 180 рақамли, туман Давлат санитария эпидемиология назорат маркази Бош врачининг 2009 йил 7 октябрдаги № 212 рақамли ва туман Архитектура ва қурилиш булимининг 2009 йил 6 октябрдаги № 663 рақамли Исобеков Асламбекга тегишли маъмурий ва омборхона биноларининг бир қисмини қайта таъмирлаб нотураар жой тоифасидан тураар жой тоифасига утказиш мумкинлиги хақидаги хулосаларини ва Исобеков Асламбекнинг аризасини инобатга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Уй-жой кодекси»нинг 17-моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. «Кайнама» кишлоқ фуқаролар йиғини, «Кайнама» маҳалласидаги Исобеков Асламбекга тегишли булган умумий 1513,82 м.кв. ер майдонида жойлашган А-литерадаги 2-та омборхона, Б-литерадаги 4-та хона ва 1-та йулакдан иборат маъмурий биноларидан : Б-литерадаги 4-та хона ва 1-та йулакдан иборат жами 600 м.кв ер майдонида жойлашган маъмурий биноларини нотураар жой тоифасидан тураар жой тоифасига айлантиришга розилик берилсин.